

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b> Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b> Исҳоқхон Ибрат: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ. Худоймуродова</b> “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Ғозиева</b> Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Исҳоқхон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b> Кўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b> Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b> Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b> Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b> Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b> Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b> Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b> Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b> Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b> Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b> Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов</b> Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
<b>Г.Икромова</b> Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

УДК: 811. 512.133'373. '276.6:63

## ҚЎШМА ТАРКИБЛИ ОРОНИМЛАРНИНГ ЯСАЛИШИГА ДОИР

О.Бегимов

**Аннотация**

Мақолада қўшма оронимларнинг ясалиш хусусиятлари Жанубий Ўзбекистон оронимлари мисолида тадқиқ этилган.

**Аннотация**

В статье исследованы особенности образования сложносоставных оронимов на примере оронимов Южного Узбекистана.

**Annotation**

In the article the peculiarities of forming compound oronyms of south Uzbekistan have been analysed.

**Таянч сўз ва иборалар:** оронимия, қўшма ороним, синтактик-семантик, синтактик-морфологик, синтактик-лексик, морфологик, оронимик ясалиш.

**Ключевые слова и выражения:** оронимия, сложносоставной ороним, семантико-стилистический, морфолого-синтактический, лексико-семантический, морфологический, оронимическое образование.

**Key words and expressions:** oronimy, compound oronim, syntactic-semantic, syntactic-morphological, syntactic-lexical, morphological, oronimic formation.

Ўзбек тилшунослигида қўшма отларнинг (бу фикрлар топонимларга ҳам тегишли) ясалиши масаласида турлича ёндашишлар кузатилади. Мавжуд фактларнинг кўрсатишича, қўшма отлар тарихан сўз бирикмаларининг яхлитланиб қўшилиши орқали келиб чиққанлиги сабабли, уларнинг ясалиши тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Шунинг учун бўлса керак, қўшма сўзлар масалаларига бағишланган дастлабки айрим лингвистик адабиётларда уларнинг синтактик-семантик, синтактик-морфологик усуллар [1, 7] билан ясалиши қайд этилган бўлса, бошқа бир ишларда синтактик-лексик, синтактик-морфологик, морфологик усуллар билан ясалиши кўрсатилган [3,9-10]. Кейинги даврларда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ўз аксини топган адабиётларда уларнинг ясалиши тўғрисидаги муносабатларда ўзгаришлар содир бўлганлигини кўриш мумкин. Жумладан, уларда қўшма сўзларнинг ясалишига нисбатан синтактик-лексик, композиция усули атамаларининг қўлланилишини кузатиш мумкин [4,30]. А. Ҳожиёвнинг кейинги тадқиқотларида қўшма сўзлар ясалиш ҳодисаси сифатида инкор этилганлигини кўриш мумкин [5, 35-42].

Қўшма сўзларнинг ясалишига нисбатан қўлланилган синтактик-семантик ёки унинг кейинги аталиши синтактик-лексик усул билан қўшма отларнинг ясалиши деганда сўз бирикмасининг яхлитланиб, қўшилиши натижасида бир тушунчани ифодаладиган сўзлар ҳосил бўлиши, бошқача қилиб айтганда, қўшма отга кўчиши

назарда тутилади. Қўшма отларнинг синтактик-морфологик усулда ясалишида эса сўз бирикмасига ясовчи аффиксларнинг қўшилиши орқали янги тушунча ифодаланиши назарда тутилган. Қўшма отларнинг морфологик ёки унинг кейинги аталиши, композиция усулида ясалиши деганда эса икки асос, яъни мустақил сўзнинг қўшилишидан янги маъно ифодаловчи сўз ҳосил бўлиши назарда тутилган.

Қўшма сўзларнинг ясалиши билан боғлиқ бу хусусиятлар тўлалигича ўзбек тили атоқли отлар тизимининг таркибий қисми бўлган оронимлар ясалишига ҳам тегишлидир.

Таркибий тузилишига кўра, бирдан ортиқ луғавий бирликлардан ташкил топган оронимлар қўшма таркибли оронимлар, дейилади. Қўшма таркибли оронимларнинг таркибида тоғ, чўққи, қир, қоя, тепа, тал (тепа), қиз, қўл, бел, тумшук, газа, тахта, дара, жар, тош, санг, кум каби орографик индикаторлар фаол қўлланилади. Улар орографик объектларнинг турини билдирувчи сўз сифатида номнинг қандай орографик объект хилига тегишли эканлигини кўрсатиб туради. Масалан: Авғонтахта (Деҳқонобод т., баландлик), Ажиназов (Қамаши т., баландлик), Айғиртепа (Фузор, Деҳқонобод т., Бойсун т., тепа), Айланатумшуғ (Китоб т., баландлик), Арчамайдон (Шаҳрисабз т., тоғ), Асқартепа (Яккабоғ т., тепа), Асқарчўққи (Яккабоғ т., чўққи), Баланд кўтон (Чироқчи т., адир), Бағиштепа (Олтинсой т., тепа), Бешқиз (Қамаши т., тепа), Бешқўл (Деҳқонобод т.,

О. Бегимов – ҚарМИИ, филология фанлари номзоди, доцент.

## ТИЛШУНОСЛИК

дара), Бойиргаза (Чироқчи т., газа), Бўрижар (Шаҳрисабз т., жар), Бўғмасой (Деҳқонобод т., дара), Гўрдара (Деҳқонобод т., дара), Дўғиртош (Денов т., баландлик), Етимтахта (Деҳқонобод т., тоғ) ва б.

Қўшма таркибли оронимларни морфологик асоси ва тузилиш моделига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. От+от типи. Бу модель асосида ясалган оронимларнинг тузилишида бир хиллик кузатилади, яъни улар бирон-бир грамматик восита қабул қилмасдан ўзаро қўшилиш хусусиятига эга. Сўз ясалишининг композиция усулида аффиксиз бирикиши, яъни компонентларнинг ҳеч қандай грамматик кўрсаткич олмай бирикиши аввалдан фаол бўлган [2.34]. Улар таркибида грамматик кўрсаткичнинг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, уларнинг айримлари синтактик муносабатда фарқланиб туради. Бу нарса компонентларнинг қандай сўзлардан ташкил топганлигига боғлиқ. Шу жиҳатига кўра, бу типга тегишли қўшма оронимлар асосан қаратқич+қаралмиш ва аниқловчи+аниқланмиш муносабатидан шаклланган бўлади. Бу модель асосида таркиб топган оронимлар биринчи компонентининг қандай сўзлардан иборат бўлишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) антропоним+от типи. Бу типга тегишли оронимлар гарчи грамматик кўрсаткичларини сақламаган бўлсалар-да, қаратқич+қаралмиш муносабатига эга. Шунинг учун ҳам уларнинг компонентлари синтактик жиҳатдан бир хил мавқега эга эмас. Масалан, Авазгардон (Яккабоғ т., тепа), Авазчел (Миришкор т., яйлов, тепа), Аҳмадшайит (Деҳқонобод т., баландлик), Ҳожиариқ (Шаҳрисабз т., тепа), Қорабойтепа (Деҳқонобод т., тепа), Муротхалқа (Шеробод т., жой) ва б.

2) этноним + от типи. Бу типга тегишли оронимлар ҳам юқоридаги ясалиш хусусиятига эга. Масалан: Авғонтахта (Деҳқонобод т., баландлик), Бармоққўниш (Қамаши т., адир), Батошоқ (Қамаши т., баландлик), Баҳринтепа (Қамаши т., тепа), Бағиштуба (Деҳқонобод т., тепа), Керайитепа (Яккабоғ т., тепа), Човлиқалоқ (Деҳқонобод т., яйлов) ва б.;

3) гидроним+от типи. Бу типга кирувчи оронимлар таркибига кўра уч морфемадан ташкил топгандай кўринади. Лекин улар дастлаб гидроним сифатида ясалиш босқичини босиб ўтган ва шу асосда оронимга ўтган. Шунинг учун биз уларга икки компонентли ном сифатида қараймиз.

Масалан: Оқарбулоқ адири (Чироқчи т.), Сангалдак тоғи (Деҳқонобод т.), Сарчашма адири (Қамаши, Шаҳрисабз т.), Наврўзсой дараси (Олтинсой т.), Чашмакўл тепаси (Қарши т.), Аччикудуқ яйлови (Қамаши т.) ва б.;

4) фитоним+ОИ типи. Бу типга тегишли оронимлар номланувчи объектда бирон-бир ўсимлик тури мавжудлигини кўрсатиб келади. Улар аслида –ли қўшимчаси билан шаклланган бўлиши ва кейинчалик қўлланиш хусусиятига кўра бў қўшимча тушиб қолган бўлиши мумкин. Шу жиҳатига кўра уларни аниқловчи+аниқланмиш муносабатига эга деб айтсак тўғри бўлади. Масалан: Арчамайдон (Шаҳрисабз т., тоғ), Арчахут (Бойсун т., дара), Исвантепа (Қамаши т.), Олволидара (Китоб т., дара), Чийкамар (Қамаши т., адир) ва б.;

5) зооним+ОИ типи. Бу типга кирувчи оронимларнинг биринчи компоненти бўлиб келган сўз номланаётган объектнинг белгисини билдирувчи аниқловчи вазифасида келганлиги учун улар аниқловчи+аниқланмиш муносабатини намоён қилади. Масалан: Бўридахна (Деҳқонобод т., дара), Бўрижар (Шаҳрисабз т., жар), Откамар (Деҳқонобод т.), Туябўйин (Қамаши т., баландлик), Туясингир (Чироқчи т., баландлик) ва б.;

6) орографик индикатор + ОИ типи. Бу типдаги оронимларда ҳам биринчи компонент орографик терминлардан шаклланган бўлса ҳам номланаётган объектнинг турли белгиларини ифодалаб келган. Шунинг учун бу номлар аниқловчи+аниқланмиш муносабатига эга. Масалан: Талтепа (Қарши т.), Таллисортепа (Қамаши т., тепа), Чаҳақдара (Деҳқонобод т., дара), Шергаза (Шерабод т., баландлик), Қизтош дараси (Шаҳрисабз т.), Қизтоғ тизмаси (Деҳқонобод т.), Қироқ (Деҳқонобод т., баландлик) ва б.;

7) апеллятив + ОИ типи. Боботоғ (Сурхондарё в.), Бозоржой (Чироқчи т., баландлик), Бозортепа (Деҳқонобод т.), Бошаланг (Касби т., дашт), Бошқоп (Шаҳрисабз т., тоғ), Дастортош (Чироқчи т., баландлик), Дарвозақир (Муборак т., баландлик), Жувозтош (Шеробод т., дара) ва б.

2. От+от+ОИ типи: Отяйлоғтоғи (Шаҳрисабз т.), Қизмозорота (Шаҳрисабз т.)

3. От+сифат типи: Бўйноқ (Деҳқонобод т., тоғ), Бўйниқора (Ғузор т., баландлик),

4. От+сифат+ОИ типи: Хўжақизилқоя (Шаҳрисабз т.)

3. Сифат+от типи. Бу моделда ясалган оронимларнинг биринчи компоненти объектнинг турли белги-хусусиятларини

аниқлаб келади. Шунга кўра улар сифатнинг турли маъно гуруҳларига тегишли бўлади:

а) ҳажим ва ўлчовни ифодаловчи сифатлар + ОИ: Бойдўнг (Чироқчи т., тепа), Давтош (Чироқчи т., жой, дав < дев – катта), Давтош (Чироқчи т., жой, дав < дев – катта), Каттадапсан (Чироқчи т., тепа), Каттазов (Чироқчи т., дара), Каттатахта (Деҳқонобод т., баландлик), Кичикдапсан (Чироқчи т., тена), Кичикховар (Чироқчи т., яйлов), Кичиктумшук (Деҳқонобод т., баландлик), Кичикқовоқ (Деҳқонобод т., баландлик), Узунмўла (Қарши т., жой);

б) шаклни ифодаловчи сифатлар + ОИ: Думолоқхорра (Қамаши т., баландлик), Дўғиртош (Денов т., баландлик), Качалқўтон (Ғузор т., яйлов), Лўндасанг (Шаҳрисабз т., жой), Лўндасанг (Шаҳрисабз т., жой);

в) ранг-тусни ифодаловчи сифатлар+ОИ: Олабел (Деҳқонобод т., баландлик), Олатоғ (Ҳисор тоғ тизмасидаги тоғ), Оқбош (Деҳқонобод т., тоғ), Оқдара (Деҳқонобод т.) Оқжар (Чироқчи т.), Оқчағал (Чироқчи т., адир), Оқчаҳак (Бойсун т., дара), Сариктепа (Барча туманларда), Сиёрек (Бойсун т., қоя), Кўқарға (Шеробод т., дара), Қораайри (Деҳқонобод т., баландлик), Қорадумалоқ (Қамаши т., тепа), Қорамос (Деҳқонобод т., тоғ);

г) характер-хусусиятни ифодаловчи сифатлар + ОИ: Ёмонтош (Шаҳрисабз т., дара), Кўрдара (Деҳқонобод т., дара, адир), Кўрдара (Деҳқонобод т., дара, адир), Очгаза (Шаҳрисабз т., баландлик), Қарилалми (Деҳқонобод т., адир),

д) жойлашган ўрнини билдирувчи сифатлар+ОИ: Бўлаққир (Косон т.), Терсдара (Қамаши т.), Юқоритуррам (Шаҳрисабз т., баландлик);

Бу модель асосида ясалган қўшма таркибли оронимларнинг таҳлили уни ўзбек тили қўшма оронимларининг ясалишида энг сермахсул моделлардан бири эканлигини кўрсатди. Чунки оронимларнинг юзага келишида орографик объектнинг турли белги-хусусиятлари асосида номлаш тенденцияси муҳим аҳамият касб этади. Қўшма оронимларнинг бу тури ҳам бирон-бир грамматик кўрсаткичсиз қўлланиш хусусиятига эга.

4. Сифат+сифат типи: Етимоқ (Шаҳрисабз т., баландлик), Олашўр (Ғузор т., жой), Қорачукур (Косон т., яйлов), Каттаоқ (баландлик). Қўшақизил (чўққи), Бўлақоқ (баландлик), Қорадумалоқ (баландлик) ва б. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бундай моделда

қўшма номларнинг ясалиши фақат оронимларга хос экан.

5. Сифат+от+ОИ типи: Сариктузтоғи (Шаҳрисабз т.), Оқтепанингтаги (Шаҳрисабз т., жой), Оқпарранинг газаси (Шаҳрисабз т.). Бу номлар микрооронимларга тегишли, шунинг учун уларнинг сўз бирикмали шакли сақланиб қолган. Бу типдаги номлар, гарчи учта морфемадан ташкил топган бўлса-да, улар дастлаб сариқтуз, оқтепа, оқпарра шаклидаги қўшма сўз ясалишига эга бўлган. Кейинчалик улар оронимга ўтиш босқичида орографик индикаторларни орттирган.

5.Сон+от типи. Бу типдаги оронимларнинг компонентлари ҳам аниқловчи+аниқланмиш муносабатида шаклланган бўлади. Уларнинг аниқланмиш вазифасидаги келган компоненти асосан орографик индикаторлардан ташкил топган. Масалан: Бешбўла (Деҳқонобод т., адир), Бешдара (Деҳқонобод т., дара), Бештўла (Шаҳрисабз, Чироқчи т., адир), Бешқиз (Қамаши т., тепа), Бешқўл (Деҳқонобод т., дара), Саксондара (Нишон т., дашт), Учтепа (тепа), Учқоқ (адир), Мингдўлана (баландлик), Қирққиз (Шаҳрисабз т., жой). Бу модель билан ясалган айрим оронимларнинг шаклланиш муносабати мураккаб характерга эга. Уларнинг таркибида объектни ифодалайдиган компонент мавжуд бўлмаганлиги учун уларнинг маъносида мавҳумлик мавжуд бўлади. Бундай номларга тегишли орографик индикатор қўшилгандан сўнг унинг семантикаси тўлиқ шаклланади. Масалан: Бировузли (Қамаши т., дара), Бироғиз (Яккабоғ т., дара).

7. Нумератив+от типи. Бу типдаги ясалиш худди сон+от типидеги ясалишга ўхшаб, аниқловчи+аниқланмиш муносабатини намоён қилади. Экзактува (Қамаши т., тепа), Эгизактепа (Чироқчи т.), Эгизтепа (Косон т.), Қўшқалоқ (Деҳқонобод т., адир), Қўшматепа (Ғузор т.), Яккатепа (тепа), Яккаарча (Қамаши т., баландлик). Яккатут (барча туманларда жой), Галатепа (тепа), Етимтахта (Деҳқонобод т., тоғ), Етимчўққи (Китоб, Чироқчи т., баландлик), Етимқиз (Чироқчи т., баландлик),

8. От+феъл типи. Ўзбек тили қўшма таркибли оронимларининг таҳлили уларнинг ясалишида отларга турли феъл шакллариининг қўшилиб келишини кўрсатди. Ўзбек тили қўшма оронимларининг ясалиши учун характерли бўлган бу модель бошқа қардош туркий тиллар учун ҳам ўхшаш ва характерлидир. Демак, табиий географик объектлар, жумладан орографик

## ТИЛШУНОСЛИК

объектларнинг номлари дастлаб шу модель бўйича юзага келиб, кейинчалик уларнинг баъзилари бошқа турдаги объектларнинг, айниқса, ойконимларнинг номларига ўтар экан. Оронимларнинг бу модель асосида ясалиши давом этувчи жараён ҳисобланади. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш ҳам лозимки, микрообъектларнинг номи сифатида шаклланган бу каби номлар давр синоатларига бардошли бўлмай, улар тезда барҳам топиши, бошқаси билан алмашилиши ёки қайта номланиши мумкин. Шундай қилиб, от + феъл модели асосида ясалган қўшма оронимларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) от+феълнинг аниқ ўтган замон шакли: Туяқисилди (Чироқчи, Шаҳрисабз т., дара), Қудуққасиғди, Амирқўнди, Холмирзаучди, Келиношди, Бойўлди, Лойбосди, Бўронўлди, Лўликўнди (Шаҳрисабз т., жой), Илонқувди (Шаҳрисабз т., жой);

б) от+ҳозирги келаси замон сифатдош шакли: Гўрбузар (Шеробод т., адир), Отқамар (Ғузор т., камар), Сувтушар, Туятортар, Бўриошар, Оттўсар, Отчопар, Тошкесар, Улоқчопар,;

в) от+бўлишсизлик шаклидаги сифатдош: Биясиғмас (Деҳқонобод т., дара), Келинтоймас (Шаҳрисабз т., жой), Одамбормас, Ойтегмас, Сувчиқмас (Шаҳрисабз т., жой);

г) от+ўтган замон сифатдоши: Дўлўйган, Ерқўчган, Туяучган, Яшинурган, Арғашқан (асли Ариқочган) Дарғамурда (Китоб т., адир), Лўлимурда (Китоб, Шаҳрисабз т., адир).

Шунингдек, от+феъл+от типидagi Отчопартепа, Отчопармайдон, Кунчиқардарвоза каби оронимлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

9. Сон + феъл типи: Бирўтар (Қамаши т., дара). Бу модель асосида ясалган қўшма оронимлар фақат битта эканлиги аниқланди. Бу нарса қўшма оронимларнинг бу модель асосида ясалиши унчалик характерли эмаслигини кўрсатади. Бу ном ҳам эллипсис ҳолатда бўлиб, унга объектнинг турини ифодаловчи индикатор қўшилгандан сўнг тўлиқ шаклланади ва маъноси аниқлашади.

6. феъл+от типи. Бу типга тегишли фақат битта Учганжар ороними аниқланди. Бу фактнинг ўзи бу моделдаги ясалишнинг характерли эмаслигини кўрсатади. Бу ном дастлаб бирон нарсанинг жардан йиқилганлигини ифодаловчи маънода ясалган бўлиб, вақт ўтиши билан биринчи компонентини йўқотган бўлиши мумкин.

Оронимик материаллар орасида Таллисортепа (Қамаши т., тепа), Хурсантоғ (Сариосиё т., чўққи) каби оронимлар учрайди. Улар тарихий ясалишига кўра сифат + от + ОИ типига эга: Хурсантоғ < хурд+санг+тоғ, Таллисортепа < Талли+ҳисор+тепа. Лекин уларни ҳозирги шакли асосида бу типда таҳлил қилиш тўғри бўлмайди. Чунки, улар икки босқичли ясалиш даврини босиб ўтган. Масалан: Хурсантоғ ороними биринчи босқичда Хурд+санг (ёки ғур+санг бўлиши ҳам мумкин) шаклида тожик тили грамматик қонуниятини асосида ясалган, кейинчалик иккинчи босқичда унга тоғ индикатори қўшилган. Шунинг учун уни тузилишига кўра хурдсанг+тоғ шаклида талқин қилиш лозим. Шунга ўхшаш, Таллисортепа ороними ҳам биринчи босқичда Талли + ҳисор шаклидаги форс-тожикча изофали бирикма сифатида ясалган. Кейинчалик, унинг шакли ўзгаргач, маъноси ҳам англашилмайдиган даражага келган. Шундан сўнг унга объектнинг турини кўрсатувчи тепа индикатор қўшилган ва у таллиҳисор+тепа “ҳисортепа тепаси” шаклини олган.

Ўтказилган таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, ўзбек тили оронимиясида қўшма таркибли оронимлар миқдор жиҳатидан асосий ўрин эгаллайди. Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишида от туркумига мансуб сўзларнинг биринчи компонент бўлиб келиши характерли ҳисобланади. Қўшма таркибли оронимларнинг биринчи компоненти бўлиб келишда сифатлар миқдор жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди. Қўшма оронимларнинг ясалишида феълнинг турли шакллари иштироки ҳам характерли хусусият ҳисобланади.

## Адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш., Ҳожиёв А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. -Т., 1961.
2. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. -Т., 1975.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. -Т., 1963.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. -Т., 1989.
5. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз яшаш усули масаласига доир. -ЎТА, 1999.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)